



## INDIA'S FOREIGN POLICY IN THE CONDITIONS OF TRANSFORMATION OF MODERN INTERNATIONAL RELATIONS

**Khilola I. Mustapova**

*PhD in Political Science*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

**Nazira M. Tuylieva**

*Master's student*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [naziratoyliyeva@gmail.com](mailto:naziratoyliyeva@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** India, foreign policy, Asia-Pacific Ocean region, regionalism, the idea of non-alignment, unipolar world, USA, global status

**Received:** 11.05.23

**Accepted:** 13.05.23

**Published:** 15.05.23

**Abstract:** This article is devoted to peculiarities of foreign policy of India, which has been progressing abruptly in recent years in the context of transformation of modern international relations, and it reveals that this country is striving not only for a regional, but also for a global status.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ҲИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ

**Ҳилола И. Мустапова**

*сиёсий фанлар бўйича PhD*

*Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

**Назира М. Туйлиева**

*Магистратура талабаси*

*Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [naziratoyliyeva@gmail.com](mailto:naziratoyliyeva@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ҳиндистон, ташқи сиёсат, Осиё-Тинч океани минтақаси, регионализм, кўшилмаслик ғояси, биркутбли дунё, АҚШ, глобал мақом, “Шарққа назар”, “Шимолга назар”,

**Аннотация:** Бу мақола сўнгги йилларда шиддат билан ривожланиб келаётган Ҳиндистон давлатининг замонавий халқаро муносабатларининг трансформация шароитида олиб бораётган

“Шарқда ҳаракатланиш”,  
кўшничилик сиёсати”

“Яхши ташқи сиёсатининг ўзига хос  
хусусиятларига бағишланган бўлиб,  
мамлакатнинг нафақат минтақавий, балки  
глобал мақомга даъвогарлик  
қилаётганлигини очиб беради.

## ВНЕШНЯЯ ПОЛИТИКА ИНДИИ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ

**Хилола И. Мустапова**

кандидат политических наук PhD

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

**Назира М. Туйлиева**

студент магистратуры

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [naziratoilyeva@gmail.com](mailto:naziratoilyeva@gmail.com)

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Индия, внешняя политика, Азия-Тихоокеанский регион, регионализм, идея неприсоединения, однополярный мир, США, глобальный статус

**Аннотация:** Статья посвящена своеобразным особенностям внешней политики индийского государства, которая стремительно развивается в последние годы в контексте трансформации современных международных отношений, и освещается о том, что страна претендует не только на региональный, но и на глобальный статус.

### КИРИШ

Сўнги ўн йилликда Ҳиндистон ташқи сиёсати стратегик мувозанатлашганлиги билан намуна бўлиб келяпти: Нью Дели бир-бирига қарама-қарши муҳим позицияларга эга давлатлар билан яхши муносабатларни ушлаб туришда оқилона ҳаракат қиляпти. Бу билан у либерал дунё тартиботига бузилмасдек туюлишига ёрдам берапти. Сиёсий режада АҚШ гегемонлигига даъво қилган сўзсиз содиқ давлатлар аъзолигининг нотенг ҳуқуқли шароитларига таянади; ёки ўзини хавфсизликда ҳисоблаши мумкин бўлган “цивилизацияга эришган давлатлар” қаторига киритади. [1 [Ru.valdaiclub.com/a/h](http://Ru.valdaiclub.com/a/h) Алексей Куприянов, Внешнеполитические дилеммы Индии: на защите национальных интересов]

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳиндистоннинг минтақа даражасидаги давлатдан нуфузли жаҳон давлатига айланишининг сиёсий — Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Ҳинд океани минтақаси каби устувор йўналишларга доир ташқи сиёсий дастурлари, иқтисодий — протекционизмдан воз кечиш, инвестицион муҳит яратиш сингари асослари ҳамда минтақавий сиёсатнинг йирик кўринишларидан бири бўлган «Шарққа назар» (Look East)

концепциясидан «Шарқ сари кадам» (Act East) концепциясига трансформацияси асосланган.

Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатга оид расмий доктринаси мавжуд эмас. Шунинг учун, Ҳиндистон ташқи сиёсатини ўзида яққол намоён қилувчи тарихий воқеалар аксига таяниб; ҳинд сиёсий етакчиларининг алоҳида чиқишлари ва баёнотлари, фармонлари ва имзолаган шартномалари; шунингдек, ташқи сиёсий стратегияларини амалга оширилиши тажрибасини таҳлил қилиш орқали бирор фикр ва хулосаларга келиш мумкин. Биз хорижий олимларнинг Ҳиндистон ташқи сиёсатининг моҳияти, таркиби ва устувор векторларига таъсир кўрсатувчи экзоген (ташқи) омилларни аниқлаштиришга уринамиз. [2 *Abhyankar Rajendra M.* “Introduction,” in Rajendra M. Abhyankar (Ed.) *West Asia and the Region: Defining India’s Role* (New Delhi: Academic Foundation). 2008]

1. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосий принципи ўз миллий манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва уни амалга ошириш. Миллий манфаатлар таркибига умуммиллий талаб ва эҳтиёжлар мавжудлиги, анъанавий ташқи сиёсий кадрятлар тизими, мамлакатнинг тарихий ва идеологик анъаналари ўз аксини топади. [3 *Лунев С. И.* Внешняя политика Индии и воздействие на неё внутренних факторов // Вестник МГИМО. № 1. 2010.]

2. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг иккинчи асосий принципи – бу ривожланишга йўналтирилганлигидир. Ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши давлатни қўллаб-қувватлаш ва унинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш манфаатларига хизмат қилиш бўлиши мумкин. Тараққиётга йўналтирилган ташқи сиёсатдан Ҳиндистоннинг ҳам глобал (кўптомонлама), минтақавий, шунингдек маҳаллий даражада, айниқса бошқа давлатлар билан иккитомонлама муносабатлар шароитида бир вақтнинг ўзида уларни кузатиш ва мақсадларига эришиш талаб қилинади.

3. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг муҳим принципи – глобал тинчлик ва равнақини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшиш, шунингдек адолат, ҳаққонийлик ва тенгҳуқуқлилиқ дунё тартиботини ўрнатиш мақсади билан фаол ҳаракат олиб бориш.

4. Тўртинчи асосий принцип – Ҳиндистон ташқи сиёсати ҳар доим мамлакат мустақиллиги учун ҳаракат қилган етакчиларнинг ғоялари ва қарашларига асосланган ва улардан руҳланган ҳамда ўзида маданий ва фалсафий мероснинг энг яхши қисмларини акс эттиради. Махатма Ганди, Джавахарлал Неру, Субхас Чандра Бос ва Рам Манохар Лоҳиа каби етакчилар фалсафа ва илм салоҳиятидан таркиб топган стратегик мақсадларини киритишган ташқи сиёсатнинг асосий принциплари 1950 йилдаги Ҳиндистон Конституциясида мужассамлаштирилган. [4 Ҳиндистон Конституцияси 1949 йил 26 ноябрдаги Таъсис мажлиси томонидан қабул қилинган бўлиб, икки йил ўтиб Ҳиндистон

мустақилликка эришгач, 1950 йил 26 январда кучга кирган ва ҳозирги кунгача амал қилишда давом этяпти.]

5. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг муҳим принципи бўлиб, қўшилмаслик (блоклардан ташқари) ғояси ҳисобланади. Бу принцип шунчаки XX аср иккинчи ярмида якка ҳукмронликка рақобатлашаётган сиёсий ва ҳарбий блокларга қўшилмасликни ушлаб туриш эмас, балки иттифоқчи давлатларни ғоявий чегаралаб турадиган вазиятдан ҳоли, ташқи сиёсатда мустақил объектив хатти-ҳаракатлар олиб боришга имкон берадиган самарали концепция бўлиб қолди. Жавоҳирлал Неру даврида Ҳиндистон ривожланиш, тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизлантириш, деколонизация (мустамлакачиликка барҳам бериш), БМТ ҳимоясидаги ҳаққонийлик ва тенгҳуқуқлилиқ дунё тартиботини маъқуллашни ўз олдига бош мақсадлари деб қўйган Қўшилмаслик Ҳаракатининг ҳақиқатдан асосчиси ва етакчисига айланди.

6. Тинчликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш Ҳиндистоннинг нафақат маънавий талаби, балки истиқболли тараққиётининг муҳим шarti ҳам ҳисобланади.

7. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг яна бир асосий принципларидан бири – Бирлашган Миллатлар Ташкилотини шартсиз қўллаб-қувватлаш ва у билан фаол ҳамкорлик олиб бориш.

8. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг яна бир асосий принципларидан бири – глобализацияга ундовга муносиб жавобларни топиш ва уни аниқ ифода этиш бўлиб келяпти. 80-йиллар бошларидаги глобализация жараёнлари ҳинд ташқи сиёсатининг мақсад ва таркибига катта ўзгаришлар олиб кирди. Умуман олганда Делида глобализация замонавий дунёда муносиб ўрин эгаллаш ва мамлакат ташқи сиёсатининг ривожланишига йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун имкониятлар очиб беряпти.

9. Янги регионализм (минтақавийлик) чақириқларини ўз ташқи сиёсатида ҳисобга олиш - Ҳиндистон ташқи сиёсатининг яна бир асосий принципларидан бири ҳисобланади. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида нафақат географик жиҳатдан яқин жойлашган, балки турли қитъаларда жойлашган, ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларни бирлаштирувчи бир неча янги ҳалқаро мегаташкилотлар пайдо бўлди. Янги регионализм Ҳиндистонда глобализациянинг тўғридан-тўғри оқибатлари деб қаралган ва глобал минтақавийлашувга қўшилиш мамлакатга рақобатли афзалликларини оширишга имкон берган бўларди.

Бундай янги ташкилотларга қўшилишга уринишларида Ҳиндистон кутилмаганда ташкилотларга аъзо мамлакатлар бозорларида дикриминация муаммоси билан тўкнашди.

90-йиллар бошларида Ҳиндистон Осиё-Тинч океани Иқтисодий Ҳамкорлик (АРЕС – Asia-Pacific Economic Cooperation) ташкилотига уни аъзоликка қабул қилишларини сўраб

мурожаат қилди, лекин унинг кутган умидлари ўшанда ўзини оқламади, чунки ташкилот Ҳиндистон каби катталиқдаги ва сиёсий вазнга эга мамлакатни ўз қаторига қабул қилишга тайёр эмас эди, чунки бу нарса улар ичидаги кучлар мувозанатини ва унинг характерини ўзгартириб юбориши мумкин эди.

10. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг муҳим принципи – биркутбли дунё ва унинг суверен давлатларга чақириғи ҳақидаги постулатдан [5 Постулат – исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида, фараз] сирғалиб чиқади. 2001 йилнинг ўзидаёқ Ҳиндистон биркутбли дунё даври яқун топган деб ҳисобларди. Ўшандан сўнг 90-йиллар бошидаги давр билан таққослаганда АҚШнинг обрўси ва қудрати муқаррар кулаши бошланаётган эди. Шунингдек, Ҳиндистон –Бразилия – Жанубий Африка мулоқот форуми (IBSA: Indian – Brasil –South Africa Dialogue Forum) ва Бразилия – Россия –Ҳиндистон – ХХР – ЖАР – беш давлат иттифоқи, давлатлараро бирлашма (БРИКС) каби махсус гуруҳлардаги давлатлар томонидан тез ривожланаётган иқтисодиётни яратилишига оид ташаббуслар биркутбли дунёнинг емирилишига ўз ҳиссасини қўшган яна бир омил бўлиб хизмат қилди.

Ҳиндистон қудратли ҳарбий салоҳиятга эга бўлиб, бу жиҳатдан дунёдаги энг кучли бешта давлатдан бири ҳисобланади. 15 йилдан буён 138 та мамлакат армияларини синчковлик билан кузатиб келаётган “Глобал ҳарбий қудрат” (“Global Firepower”) сайтининг рейтингда 2022 йилда Ҳиндистон 4-ўринни эгаллаган.

XXI асрда Ҳиндистон ташқи сиёсатида унинг иқтисодиётини ўсишига, жамиятни ривожланишига ёрдам берадиган, унинг юмшоқ кучига эса гуллаб яшнаши учун ўз атрофида ва дунёда қулай шароитни яратишга интилиш етакчи ўрин эгаллади. Чунки 1.3 млрд аҳолига эга бу мамлакат халқлар ҳамдўстлигида муҳим ўрин эгаллашга уринмоқда.

Ҳиндистон ҳар доим ўз тараққиётининг барқарор шароитларини таъминлаш мақсадида бевосита қўшни мамлакатлар ва бошқа четдаги ҳудудларга асосий эътиборини қаратиб келган.

## ХУЛОСА

Ҳиндистон бир неча ўн йиллар давомида минтақадаги мавқеини мустаҳкамлашда катта натижаларга эришди. У яқин ўн йилликда нафақат минтақа балки дунё миқёсида энг қудратли мамлакатлардан бирига айланиши тобора аниқ бўлиб бормоқда.

Ҳиндистон ташқи сиёсати “минтақавийликдан глобаллик сари” принципига асосланган бўлиб, бу Дехлиннинг “Шарққа назар” (“Look East”), “Шимолга назар” (“Look North”), “Шарқда ҳаракатланиш” (“Act East”), “Яхши қўшничилик сиёсати” (“Neighbors’ first policy”) сингари ташқи сиёсий концепциялари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу прагматик ташаббуслар Ҳиндистоннинг амалдаги бошқарув раҳбарияти ҳаракатлари билан

янада жадаллашиб, Ҳиндистоннинг нафақат минтақавий, балки глобал давлат мақомига даъво қилиши учун имкониятлар яратди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. [ru.valdaiclub.com/](http://ru.valdaiclub.com/) Алексей Куприянов, Внешнеполитические дилеммы Индии: на защите национальных интересов
2. Abhyankar Rajendra M. "Introduction," in Rajendra M. Abhyankar (Ed.) *West Asia and the Region: Defining India's Role* (New Delhi: Academic Foundation). 2008;
3. 2022 Military Strength Ranking <https://www.globalfirepower.com/countries-listing.php>
4. Dubey Muchkund. *India's Foreign Policy. Coping with Changing World* // Orient BlackSwan Privet Limited. 2016;
5. Лунев С. И. Внешняя политика Индии и воздействие на неё внутренних факторов // Вестник МГИМО. № 1. 2010
6. О.Г.Леонова. Стратегии внешней политики Индии. "Обозреватель –Observer", 2017